

КОРПОРАТИВ ТАРМОҚДА ОЧИҚ ЖАХОН РЕСУРСЛАР ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИНІ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ

Каримов У.Ф, Тошкент ахборот технологиялари университети “Ахборот-кутубхона тизимлари” кафедраси доценти, т.ф.н.

Муминов Б., Тошкент ахборот технологиялари университети докторанти.

Каримов У.У., Тошкент ахборот технологиялари университети “Ахборот-кутубхона тизимлари кафедраси ассистенти.

Мақолада ахборот кутубхона муассасаларидаги асосий ахборот жараёнларини автоматлаштиришига мүлжалланған корпоратив автоматлаштирилған ахборот кутубхона тизими тұғрисида, очиқ жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланыб корпоратив тармоқда электрон кутубхона базасини шакллантириши усуллар ва автоматлаштирилған тизим таркибидаги иш ўринлари функциялари ҳақида маълумотлар көлтирилған.

МЕТОДЫ СОЗДАНИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ БИБЛИОТЕКИ ОТКРЫТЫХ МИРОВЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ РЕСУРСОВ В КОРПОРАТИВНОЙ СЕТИ

Каримов У.Ф., Муминов Б., Каримов У.У.

Статья посвящена результатам исследований по созданию электронных библиотек мировых ресурсов в корпоративных информационных сетях, а также новым возможностям автоматизированной библиотечной системы.

Одатда **электрон кутубхона** тушунчаси ахборот ресурсларини яратиш, саклаш ва самарали фойдаланиш имкониятini берувчи ҳамда Интренет/Интранет тармоқлари орқали тақдим қилинадиган **интеграллашган ахборот тизими** сифатида таърифланади. Электрон кутубхона атамаси турли муаллифлар томонидан турлича талқин қилинмоқда ва ҳар бир ҳолда бу таърифларда ўзига хосликлар кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонунида электрон кутубхонага қўйидагича таъриф берилган: **электрон кутубхона** — ахборот-кутубхона фондининг электрон шакли.

Баъзи бир муаллифлар электрон кутубхона тушунчасини вакт ўтиб бориши билан турлича талқин қилинишини кўрсатсалар[Шрайберг Я. Л.], баъзи бирлари электрон кутубхона ресурслари таркибига қараб электрон кутубхонага таъриф бермоқдалар. Электрон кутубхона тушунчасига берилаётган турли туман таърифлар жамият истеъмоли ва ахборотлашган жамият талаблари ҳамда ахборот ва коммуникация технологиялари ривожи асосида пайдо бўлмоқда.

Электрон кутубхоналар ривожининг замонавий йўналишларидан бири бу **очиқ ресурслар электрон кутубхонаси**dir. Очиқ ресурслар – бу фойдаланувчиларга ИНТЕРНЕТ/ИНТРАНЕТ тармоқлари орқали ҳеч бир шартларсиз, бепул тақдим қилинадиган ахборот ресурсларидир. Корпоратив тармоқдаги “очиқ ресурслар” – бу Корпорация аъзолари ихтиёридаги электрон ресурслар ҳисобланади. Бу очиқ ресурсларга бўлган муаллифлик хукуқи қўйидагилардан бирига мос келиши мумкин:

- Очиқ ресурс факат Корпорация аъзоларга бепул тақдим қилинади;
- Очиқ ресурс барча фойдаланувчиларга тақдим қилинади;
- Очиқ ресурс Корпорацияяга аъзо бўлмаган фойдаланувчиларга факат шартнома асосида тақдим қилинади.

Интеграциялашув ва Корпоративлик очиқ ресурслар электрон кутубхоналарга ҳос бўлган хусусиятлардир. Очиқ ресурслар электрон кутубхоналари интеграциялашуви деганда ягона

ахборот тизими доирасида ресурслар ва сервисларнинг бирлашуви тушунилади. Ресурслар ва хизматлар таркиби қўйилган мақсадга қараб танланади.

Очиқ ресурслар электрон кутубхонасининг корпоративлик хусусияти маълум бир мақсадга (масалан, йиғма электрон каталог яратиш, ҳужжатларни электрон шаклга ўтказиш ва бошқалар) эришиш учун ахборот-кутубхона муассасаларининг ихтиёрийлик тамойили асосида бирлашувида кўринади.

Корпоратив тармоқда очиқ электрон кутубхонасини ташкил килишда ишни дастлаб, Корпорация аъзолари бўлган ахборот-кутубхона муассасаларидан фойдаланувчилар қизиқишлигини ўрганишдан бошлаш зарур.

Ахборот-кутубхона муассасалари маълум бир мақсадни кўзлаб ихтиёрийлик асосида бирлашадилар. Корпоратив электрон кутубхона “ҳамкорликда электрон ресурслар яратиш ва улардан биргаликда фойдаланиш” фояси асосида ташкил қилинади.


Корпоратив тармоқда очиқ ресурслар электрон кутубхонасини яратиш босқичлари:

- 1.Электрон кутубхона фондини очиқ электрон ресурслар билан комплектлаш.
- 2.Электрон кутубхона каталогини шакллантириш.
- 3.Электрон кутубхона орқали хизмат кўрсатиш.
- 4.Электрон ахборот-кутубхона фонди тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш.

Корпоратив ахборот тизимлари соҳасидаги замонавий тенденцияларга мувофиқ очиқ ресурсли электрон кутубхоналар яратишда қўйидагиларга [1] алоҳида эътибор бериш керак:

Очиқ архитектура – тизим сервис моделлари асосида қурилиб, унда умумий функционаллик аниқланган маълум бир сервислар жамламаси сифатида шаклланади. Сервисларнинг умумий сони чекланмаган.

- Модуллик – тизимни компоновка қилишда алоҳида модуллардан фойдаланганлиги туфайли уни турли ахборот сўровларига мос келиши таъминланади. ЭК ратищдаги мазкур ёндошув модулларнинг функционал ва интерфейс жиҳатдан мос келишини талаб қиласди.
- Мантикий мустақиллик –мантикий боғланган турли электрон ахборот ресурслар жамламасини фойдаланиш учун шакллантириш таъминлаш. Телекоммуникация муҳитида мантикий мустақиллик интероперабеллик ва дастурий-техник таъминотнинг ўзгаришидан ва қўрилмаларга боғлиқ бўлмаслигига кўринади;
- Физик мустақиллик – янги электрон ресурслар қўшиш, мавжуд электрон ресурсларни зарур бўлганда ўчириш, физик электрон ресурсларни янги муҳитга кўчириб ўтказиш;
- Тақсимланганлик – электрон ахборот ресурсларни ва сервисларни турли ахборот-кутубхона муассасалари серверларида жойлаштириш. Электрон кутубхонанинг бошқариш ҳуқуqlари ва воситаларини етарли даражада ахборот-кутубхона муассасалари орасида тақсимлаш имконияти.



Корпоратив тармоқда очиқ ресурслар электрон кутубхонасини ташкил қилиш модели.

Очиқ жағон ахборот ресурсларидан фойдаланиб, корпоратив тармоқда электрон күтүбхона яратиш алгоритми

1. Очиқ жағон ахборот ресурсларидан бири танлаб олинади ва бош сахифаси очилади (<http://doaj.org>): 1-расм

The screenshot shows the homepage of the Directory of Open Access Journals (DOAJ). At the top, there is a search bar with the placeholder "Search DOAJ" and a magnifying glass icon. Below the search bar are two checkboxes: one for "journals" and one for "articles", with "journals" being checked. To the right of the search bar is a link "[Advanced Search]". In the top right corner, there is an orange button labeled "SUPPORT DOAJ". The main content area features a section titled "Directory of Open Access Journals (DOAJ)" with a brief description: "DOAJ is an online directory that indexes and provides access to quality open access, peer-reviewed journals. There is a new process to have journals indexed in the DOAJ. All journals must apply using our new Application Form. Due to the extensive and detailed information we require, only a journal's publisher should complete the form." Below this, there is a "Latest News" section with three items:

- International open access week 2014: some useful hashtags**
Whether you are studying, researching, teaching, publishing—or simply interested in the open web, open knowledge, open learning and open data—it won't have escaped you that next week is International Open Access Week. All over the world, groups are pulling together some fantastic events: there are webinars, seminars and competitions, many of them freely open to [...] [Read More...](#)
- The new DOAJ flyer: a fresh design and updated information**
We have just completed our new flyer. It's had a complete overhaul and has a fresh clean design. We are asked often by our users if we have any promotional materials for special events or for display in the libraries at point of use. For the first time, we now have a high-res print version [...] [Read More...](#)
- "The Tick" is now live!**
Now it's easier to see which journals were accepted into the DOAJ under our new criteria, in other words, after March 2014. I posted a piece earlier this year where I explained that all journals accepted into DOAJ after that date would be marked with a green tick. We have now completed that work and [...] [Read More...](#)

At the bottom of the news section, there is a link "Read more DOAJ news on our news page".

1-расм. DOAJ бош сахифаси

2. Керакли бўлган ахборотни калит сўз билан қидирилади: (2-расм)

The screenshot shows the same DOAJ homepage as the previous one, but with a red rectangular box drawn around the search bar. The search bar contains the text "E libraries". The rest of the page layout, including the navigation menu and news section, remains the same.

2-расм. Қидирилаётган ахборотнинг калит сўзини киритиш жойи.

3. Топилган натижаларда керакли маълумот юклаб олинади: (3-расм)

The screenshot shows the DOAJ homepage with a search bar at the top. The search term 'E libraries' has been entered. Below the search bar, a list of results is displayed, with the first result highlighted. The result title is 'New Technologies in Russian Cartographic Libraries'. The abstract, author information, and publication details are visible. A red box highlights the page number '1 - 10 of 862'.

Home Search Apply News About For Publishers Login

SUPPORT DOAJ

1 - 10 of 862

New Technologies in Russian Cartographic Libraries
Subjects: Bibliography. Library science. Information resources, Bibliography. Library science. Information resources
Authors: Ludmilla Kildushevskaya, Natalya E. Kotelnikova
Publisher: LIBER, Association of European Research Libraries
Date of publication: 1999 April
Published in: Liber Quarterly : The Journal of European Research Libraries, Vol 9, Iss 2, Pp 167-171 (1999)
ISSN(s): 1435-5205, 2213-056X
Date added to DOAJ: 2013-08-24
Full text: <http://liber.library.uu.nl/index.php/lq/article/view/7530>

3-расм. Топилган натижани юклаб олиш.

The screenshot shows the LIBER QUARTERLY journal website. The article title is 'New Technologies in Russian Cartographic Libraries' by Ludmilla Kildushevskaya and Natalya E. Kotelnikova. The abstract discusses the pervasive spread of information in society and its impact on national libraries. A red box highlights the 'Full Text: pdf' link. The page also includes navigation links like HOME, ABOUT, LOGIN, SEARCH, CURRENT, ARCHIVES, ANNOUNCEMENTS, and FUTURE.

LIBER QUARTERLY
THE JOURNAL OF THE ASSOCIATION OF EUROPEAN RESEARCH LIBRARIES

LIBER, the Association of European Research Libraries

HOME ABOUT LOGIN SEARCH CURRENT ARCHIVES ANNOUNCEMENTS FUTURE

Home > Vol 9, No 2 (1999) > *Kildushevskaya*

NEW TECHNOLOGIES IN RUSSIAN CARTOGRAPHIC LIBRARIES
Ludmilla Kildushevskaya, Natalya E. Kotelnikova
URN:NBN:NL:UI:10-1-113144

Abstract

Only two years separate us from the third millennium. The most important feature of our time is the pervasive spread of information in society, with new technologies being promptly introduced in all fields of activity. This phenomenon could not pass by national libraries. It should be noted, however, that libraries are probably the most conservative institutions, and the older and richer a library is, the more difficult are the problems of its modernization. This observation has certain peculiarities with regard to cartographic libraries.

Full Text: pdf

SHARE

(cc) BY

This work is licensed under a Creative Commons Attribution 3.0 License.

4-расм. 3-расмда кўрсатилган гипперхавола босилгандан сўнг очилган ойна.

The screenshot shows the LIBER QUARTERLY journal website. At the top left is the LIBER logo, which includes a circular emblem with stars and the word 'LIBER'. The main title 'LIBER QUARTERLY' is prominently displayed in large blue letters, with 'THE JOURNAL OF THE ASSOCIATION OF EUROPEAN RESEARCH LIBRARIES' in smaller text below it. A red box highlights the 'download this pdf file' link at the top right of the page. Another red box highlights the 'fullscreen' button at the bottom right of the article preview area. The page content includes a navigation menu with links like 'HOME', 'ABOUT', 'LOGIN', 'SEARCH', 'CURRENT', 'ARCHIVES', 'ANNOUNCEMENTS', and 'FUTURE'. Below the menu is a breadcrumb trail: 'Home > Vol 9, No 2 (1999) > Kildushevskaya'. The central column features an article titled 'New Technologies in Russian Cartographic Libraries' by Ludmilla Kildushevskaya and Natalya E. Kotelnikova. The article abstract discusses the rapid spread of information and new technologies in cartographic libraries. The sidebar on the left contains links for 'LIBER, the Association of European Research Libraries', 'FONT SIZE' (with zoom controls), 'INFORMATION' (links for Readers, Authors, Librarians), 'JOURNAL CONTENT' (Search, All dropdown, Search button), 'Browse' (By Issue, Author, Title), and 'ARTICLE TOOLS' (Abstract, How to cite item). The footer includes social sharing icons and a Creative Commons Attribution 3.0 License notice.

5-расм. Тұлық матн күриш ёки күчириб олиш имконияти.


DOAJ очиқ ресурслар платформаси бўлганлиги сабабли бу ерда ҳавола қилинадиган ресурсланинг аксарияти очиқ кўринишда берилади.

4. Тұлық матнли электрон кутубхонани ташкил этиш учун бизга ПДФ (ёки бошқа) форматдаги электрон китоблар керак бўлади. 5- расмда кўрсатилган “download this pdf file” гипперхаволаси босилади ва pdfформатидаги тұлық матн күчириб олинади.

Агарда муаллифлик ҳуқуқи тұлық матнни күчириб олиши имкониятини бермаса тұлық матннинг библиографик тасвирини шакллантириб унга адеснинг гипперхаволасини ҳам береб қўйши мумкин.

5. Жаҳон ахборот ресурслари юклаб олингандан сўнг уларни каталогглаштириш жараёни бошланади. (лаборатория ишининг ушбу қисмини бажаришда ARMAT тизимидан фойдаланилди)

6. ARMAT тизмига каталогизатор бўлиб кирилади: 6-расм.



6-расм. Каталоглаштиручининг АИЖ

7. Электрон каталог тугмаси босилади ва электрон каталог очилади: 7-расм

The screenshot shows the ARMAT software interface with the title 'Ma'lumotlar bazasi(Katologlar) bo`limi' (Information base (Catalogs) department). The search form includes fields for 'Muassasa' (Publisher) set to 'Респ. йигма эл. кат. ма', 'Kod' (Code), 'Muallif' (Author), 'Sarlava' (Title), and 'Kalit so'z' (Keyword). Below the form are buttons 'Qidirish' (Search) and 'Tozalash' (Clear). A red box highlights the 'Yangi adabiyot qo'shish' (Add new scientific publication) button. The main area displays a table of search results:

| Kod | X | Nomi | Soni | |
|------|-------------------------------------|--|-------------------------------------|---|
| 1000 | <input checked="" type="checkbox"/> | Зинченко, Елена Юрьевна Административно-правовая деятельность органов внутренних дел по борьбе с правонарушениями корыстной направленности : : автореферат дис. ... кандидата юридических наук : 12.00.02 / Зинченко, Елена Юрьевна. - Москва, 1993. - 20 с.; | <input type="button" value="Сони"/> | <input type="button" value="Изменить"/> <input type="button" value="Удалить"/> |
| 999 | <input checked="" type="checkbox"/> | Венков, Андрей Вадимович Антибольшевистские движения на Юге России : : 1917-1920 гг. : автореферат дис. ... доктора исторических наук / Венков, Андрей Вадимович. - Ростов-на-Дону, 1996. - 34 с.; | <input type="button" value="Сони"/> | <input type="button" value="Изменить"/> <input type="button" value="Удалить"/> |
| 998 | <input checked="" type="checkbox"/> | Макаров, Виктор Степанович Акустический дефектоскоп на основе принципа полискапирования для обнаружения внутренних несплошностей и неоднородностей : автореферат дис. ... кандидата технических наук : 05.11.13 / Макаров, Виктор Степанович. - Томск, 1988. - 18 с.; | <input type="button" value="Сони"/> | <input type="button" value="Изменить"/> <input type="button" value="Удалить"/> |

7-расм. ARMAT тизмидаги электрон каталог ойнаси.

8. Очилган ойнада 7- расмда қўрсатилган “янги адабиёт қўшиш” тугмаси босилади ва янги адабиётнинг библиографик маълумотлар киритилади:

Киритилаётган янги адабиётнинг турига қараб каталоглаштириши жараёни амалга оширилади.

Ma'lumotlar bazasi(Kataloglari) bo'limi

| Yangi adabiyot qo'shish | | |
|--|--------------------------|-------|
| 008 Nazorat maydoni | <input type="text"/> | [...] |
| 020 ISBN Indeksi | <input type="text"/> [+] | [...] |
| 022 ISSN | <input type="text"/> | [...] |
| 040 Kataloglashtirish manbai | <input type="text"/> | [...] |
| 041 Nashr tili | <input type="text"/> [+] | [...] |
| 060 A Bilimlar sohasi | <input type="text"/> [+] | [...] |
| 062 A Fanlar | <input type="text"/> [+] | [...] |
| 080 UDK indeksi | <input type="text"/> [+] | [...] |
| 084 Boshqa klassifikatsiyalash indeksi (BBK) | <input type="text"/> [+] | [...] |
| 090 Shifrlar | <input type="text"/> | [...] |
| 100 Muallif | <input type="text"/> | [...] |

900a майдонга тўлиқ матн турган папканинг адреси «ОБЗОР» тугмаси ёрдамида киритилади ва тўлиқ матнли электрон кутубхона ташкил этилади.

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИННИГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИ (ARMAT++): ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари томонидан ахборот-кутубхона муассасаларидағи ахборот жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган янги дастур ишлаб чиқилди. Дастурнинг бош сахифаси орқали фойдаланувчилар ахборот-ресурс марказининг (АРМ) электрон каталоги билан танишишлари ва автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимида рўйхатдан ўтиб ўнинг ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Тизимда рўйхатдан ўтиш бевосита АРМда ёки масофадан туриб амалга оширилади.

Дастур таркибида “Каталоглаштиручининг”, “Фойдаланувчининг”, “Кутубхоначининг”, “Комплементаторнинг”, “Администраторнинг” ва “Супер администраторнинг” автоматлаштириган иш ўринлари (АИЎ) мавжуд. “Кутубхона статистикаси” ва “Кутубхоналар аро абонемент” автоматлаштирилган иш ўринларининг лойихаси тузилмоқда.

Каталолаштиручининг автоматлаштирилган иш ўрнида бажариладиган функциялар:

- Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимини аниқ бир ахборот-кутубхона муассасасига мослаштириш (факультет, таълим йўналишлари, курс, гурух, кафедралар номлари ва ўқитиладиган фанлар номларини тизимнинг маълумотномаларига киритиш);
- Фойдаланувчиларни рўйхатга олиш (масофадан туриб тизимда рўйхатдан ўтишни истаган фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, уларга парол ва логин бериш);
- Тизим электрон каталоги (ЭК) ва тўлиқ матнли маълумотлар базасини шакллантириш. Тизим электрон каталоги базасига каталоглаштирилаётган ҳужжат библиографик тавсиф элементларини киритиш. Тайёр библиографик ёзувларни тизим ЭК базасига импорт қилиш. Каталоглаштириш жараёнини тезлаштириш мақсадида мавжуд библиографик ёзувдан нусха олиш ва уни таҳрирлаш орқали янги библиографик тавсиф яратиш. Тизим ЭКда қидириш бажариш.

Тизимдан фойдаланувчининг АИЎ бажариладиган функциялар:

➤ Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона ЭК маълумотлар базасидан керакли ҳужжатларни қидириш ва уларга буюртмалар бериш, буюртмаларни бажарилиши тўғрисида маълумотлар олиш.

➤ АРМ ахборот-кутубхона фондидан олинган ва қайтариб топширилган ҳужжатлар тўғрисида маълумот олиш.

➤ АРМга қайтариб топширилмаган ҳужжатлар тўғрисида маълумот олиш.

➤ АРМ ЭК орқали қидириб топширилмаган ҳужжатларга махсус буюртмалар бериш.

➤ Тўлиқ матнли маълумотлар базасидаги электрон ресурслардан фойдаланиш.

Кутубхоначининг АИЎда бажариладиган функциялар:

➤ Фойдаланувчилар томонидан берилган буюртмаларга ишлов бериш (уларни қпбул қилиш, излаш ва қидирив натижалари тўғрисида фойдаланувчиларга хабар бериш).

➤ Буюртма берилган ҳужжатларни бериб юбориш (қўлда ва штрих кон ткхнологиялари асосида сканер ёрдамида. Буюртмаларни бир донадан ёки бир нечасини бир варакаега бериш, ҳужжатларни қ)айтариб олиш муддатини белгилаш).

➤ Берилган ҳужжатларни қайтариб олиш.

➤ АРМдан қарздор фойдаланувчилар рўйхатини кўриш.

➤ Фойдаланувчилар қўлидаги ҳужжатлар рўйхатини кўриш.

➤ Тизим электрон каталогига киритилмаган ҳужжатларга берилган махсус буюртмалар билан ишлаш.

➤ Тизим ЭКда оддий ва комплекс қидирив бажариш.

Тизим администраторининг АИЎ функциялари:

➤ Тизимда муассасаларни рўйхатга олиш.

➤ Маълумотлар базасини яратиш ва керак бўлмаганларини ўчириб юбориш.

➤ Тизим таркибидаги АИЎга тегишли маълумотларни таҳрирлаш (АИЎ интерфейси тилини танлаш, логинни ўзгартириш ва бошқалар).

➤ Тизим таркибидаги маълумотномаларни таҳрирлаш.

➤ Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими ЭК майдон ва майдоносиларини яратувчи “Конструктор” билан ишлаш.

➤ Тизим ЭК иш саҳифаларини яратиш.

➤ ЭК маълумотлар базасидаги библиографик ёзувларни MARC 21, UNIMARC, UZMARC форматларига экспорт қилиш.

➤ Тизим ЭК ёрдамида қидириш бажариш.

Тизим таркибидаги Супер администраторнинг асосий функциялари:

➤ Тизим менюларини яратиш.

➤ Тизим АИЎ яратиш.

➤ Тизим интерфейсидаги сўзларни таҳрирлаш. Тизим интерфейсининг кўп тилликлигини таъминлаш.

➤ Тизим ЭК орқали оддий ва комплекс қидирив бажариш.

Комплектатор АИЎ асосий функциялари:

➤ Нашриётлар йиғма ЭК базасидан фойдаланиб АРМ ЭК базасини шакллантириш.

➤ АРМга келиб тушаётган ҳужжатларга дастлабки ишлов бериш.


➤ Йиғма ҳисобга олиш китобини юритиши.

➤ АРМ ахборот-кутубхона фондида ҳужжатларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариши.

Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими ARMAT++ тизимдан фойдаланувчиларга қўйидаги янги имкониятларни беради:

Каталогглаштириш жараёнида библиографик тавсифга тўлиқ матн боғланганлиги тўғрисида маълумот бериш, тайёр библиографик ёзувдан нусха олиш орқали янги

библиографик ёзув яратиш, тизим майдон ва майдоностиларига тегишли маълумотлар киритилган факат тўлдирилган майдонларни кўриш, сақлаш, библиографик карточка сифатида босиб чиқариш, фойдаланувчиларни масофадан рўйхатга олиш. Кутубхоначининг АИЎ берилган бир неча буюртмаларни бир варакайига бажариш, штрих код технологияларидан фойдаланиб буюртмаларни бажариш. Администраторнинг АИЎ тизим интерфейсининг кўп тилда ишлашини таъминлаш.



1-расм. Автоматлаширилган ахборот-кутубхона тизининг функционал тузилмаси

Фойдаланилган адабиётлар

1. Племнек А.И., Соколова Н.В. Интеграция и корпоративность электронных библиотек. Университетская книга. - 2010. - Декабрь. - С. 43-47 ;
2. Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: № ЎРҚ - 280. 2011 й. 13 апр. // Халқ сўзи. – 2011. – 14 апр.
3. “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг № 181 сонли Қарори. 2006 й.20 июнь // Халқ сўзи. – 2006. – 21 июнь.
4. “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чоралари тўғрисида”: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 й. 23 февр. 1487 - сонли Қарори // Kutubxona.Uz.- 2011. –№ 1. – Б. 3-4.
5. Система автоматизации библиотек ИРБИС. Общее описание системы. — М.:ГПНТБ России, 2002. — 260 с.
6. Каримов У. Автоматлаштирилган кутубхона (Кутубхонашунослик ва ахборот тизимлари таълим йўналишида таълим олаётган талабалар учун ўқув қўлланма), (ҳаммуаллифлар М.А. Рахматуллаев ва бошк.).-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2003.-266 б.

БУДАПЕШТСКАЯ ИНИЦИАТИВА ОТКРЫТОГО ДОСТУПА: УСТАНАВЛИВАЯ ОТКРЫТОСТЬ

Кучма И.

В статье даны информационные материалы, подготовленные автором, координатором программы «Open access» международного библиотечного консорциума eIFL. Рассматриваются положения Будапештской инициативы открытого доступа к научно-образовательной и другой информации, а также основные понятия «Открытый доступ» и важные аспекты развития этого движения, рекомендации и его тенденции.

Будапештская инициатива открытого доступа ознаменовала начало всемирной кампании за открытый доступ ко всем новым рецензируемым исследованиям. Она не изобрела идею открытого доступа. Наоборот, она специально соединила воедино уже существующие проекты, чтобы увидеть, как они могут «работать сообща для достижения широкого, глубокого и быстрого успеха». Но Будапештская инициатива была первой, дав определение термину «открытый доступ» в этом контексте, первой озвучив его публично, первой предложив дополняющие стратегии реализации открытого доступа, первой призвав к открытому доступу во всех областях наук и во всех странах, и первой предложив значительное финансирование.

Сегодня мы уже не в начале этой всемирной кампании, но все еще не приблизились к ее завершению. Мы где-то в самой середине, и, основываясь на десятилетнем опыте, предлагаем новые рекомендации на следующие десять лет.

Мы подтверждаем Будапештскую инициативу как «декларацию принципов, ... стратегическую декларацию и декларацию обязательств». Мы подтверждаем стремление к достижению «беспрецедентной общественной пользы» и к «ускорению исследований, обогащению образования и обмену знаниями между богатыми и бедными, бедными и